

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҚАРЗИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўткиров Лазизжон Шухрат ўғли

Банк молия академияси

E-mail: lazizotkirov757@gmail.com

Аннотация: Мақолада давлат қарзини бошқаришни такомиллаштириш, Бюджет маблағларини мақсадли ва оқилона сарфланишини назорат қилиш, Давлат қарзини бошқаришда унга таъсир қилувчи омиллар ёритилган.

Калит сўзлар: Давлат қарзи, Жаҳон банки, бюджет, ташқи қарз, ички қарз, Марказий банк.

Мақола мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон иқтисод иётида ташқи қарз ва уни бошқариш муаммолари долзарб аҳамият касб этмоқда. “Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро ривожланиш ассоциацияси давлатлари 2018 йилда 387 млрд АҚШ долларидан ортиқ давлат ташқи қарзларини жалб этди. Ушбу қарзнинг асосий қисми Африка мамлакатларида қайд этилди”

1. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2018 йилда кам ва ўрта даромадли мамлакатларга молиявий (қарз ва капитал) оқимлар 2017 йилга нисбатан камайган. Ривожланаётган мамлакатларда молиявий оқимлар ўтган 2017 йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан, давлатнинг ташқи қарз ҳажми улуши молиявий оқимлар жами ҳажмида 51,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳам мамлакатларда давлат қарзи ўсиш тенденциясини кузатиш мумкинлигидан далолат беради. Жаҳонда ташқи қарз билан боғлиқ муаммолар, асосан, бюджет дефицити ва инқирозли ҳолатлар вужудга келиши билан янада кескинлашмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг биринчи чорагида юзага келган пандемия ҳолати инқизози жаҳонда бир неча млрд АҚШ доллари миқдорида давлат қарзларининг янги тўлқини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари томонидан ривожланаётган мамлакатлардаги молиявий оқимлар пасайиши ва давлатлар тўлов қобилияти тушишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташки қарзни жалб этиш мамлакатлар тўлов қобилияти билан бир қаторда геосиёсий майдондаги вазият барқарорлигига боғлиқлиги, давлат ташки қарзининг юзага келишига таъсир этувчи омиллар таҳлили, қарзни бошқаришга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш, мамлакатларда ялпи қарзнинг макроиктисодий кўрсаткичлари, жумладан, ялпи ички маҳсулот, олтин-валюта захираси, экспорт ҳажми ва давлат бюджети даромадларига нисбатан улуши нобарқарорлигининг кескинлашуви каби масалалар илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларини ташкил этади. Ўзбекистонда давлат қарзи билан боғлиқ кўрсаткичлар барқарор баҳоланаётган бўлса-да, унинг таркибий таҳлилида айрим муракқабликлар мавжуд. Жумладан, давлат ялпи қарзида ички манбалар улушининг кичикилиги, ички қарз таркибида эса битта жамгарма улушининг катталиги давлат облигациялари аҳамиятини пасайтируммоқда.

Давлат улуши бўлган корхоналар қарзи эса юқорилигicha қолмоқда. “Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур. Жорий йилда давлат ташки қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинадиган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади” 2 . Давлат қарзининг юзага келишида алоҳида чегаравий меъёрларни амалиётга жорий этиш, ички бозорда давлат облигацияларининг қисқа ва узоқ муддатли шаклларини жойлаштиришда иштирок этиш қоидаларини такомиллаштириш, давлат ва ҳукумат кафолати берилишида маҳаллий ҳокимиятлар, хусусий секторлар учун алоҳида мезонларни шакллантириш каби муаммоларни ҳал этиш зарурлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат

бюджети тўғрисида»ги қонуни (2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сон «Ташки молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида», 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4258-сон «Ўзбекистон Республикасининг ilk суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат: давлат қарзининг ҳажми, унга хизмат кўрсатиш, давлат кафолатлари бериш бўйича ваколатларни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ўртасида иерархияга асосланган ҳолда тақсимлаш орқали давлат қарзини бошқаришда ваколатли субъектларнинг ролини белгилаш таклиф этилган; давлат қарзи юзага келишида давлат дастурлари, бюджет дефицити ва фавқулодда ҳолат учун алоҳида чегаравий меъёрларни жорий этиш таклифи асосланган; ички бозорда давлат облигацияларининг қисқа ва узоқ муддатли шаклларини жойлаштиришда жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотиб олишга нисбатан тамойилларни белгилаш натижасида норезидентлар учун ҳам иштирок этиш қоидаларини жорий этиш асосланган; ташки қарз юзасидан хукумат кафолати берилишида давлат ҳокимияти органлари ҳамда хусусий сектор учун алоҳида мезонларни шакллантириш ва жорий этиш зарурлиги асосланган. Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат: давлат қарзи шаклланишининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган; давлат қарзини бошқаришда бюджет дефицитининг чегаралари ва макроиқтисодий барқарорликнинг ўзаро уйғунлиги аниqlанган ва баҳоланганд; давлат қарзини жалб этишнинг чегараларини белгилашда макроиқтисодий кўрсаткичлар гурухи тизимлаштирилган ва таҳлил этилган; давлат қарзи таркиби таҳлилида

манбалар ва муддатлар бўйича ҳолатлар аниқланган ва баҳоланган; 9 давлат қарзини бошқаришда унга таъсир этувчи омиллар эконометрик таҳлил этилган ва илмий хуносалар ишлаб чиқилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлили жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотлари ва муайян меъёрий хужжатлари, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усуулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хуоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Молия вазирлиги амалиётларида жорий этилганлиги билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон; 2014 й., 36-сон, 452-модда).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 марта “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2847-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021 - 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.

6. Ли А.Н., Управление государственными финансами Республика
Узбекистан (учебное пособия) / Банковско-Финансовая Академия Республика
Узбекистан. Ташкент-2016.

www.mf.uz

www.lex.uz

www.openbudget.uz

www.my.gov.uz